

“Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларининг йўналтирилиши тўғрисида ҳисобот

2022 йил 1 январ ҳолатига “Саховат ва кўмак” жамғармалари ҳисоб рақамларида 2 млрд. 253,4 млн. сўм қолдиқ маблағлари мавжуд бўлиб, ўтган беш ой давомида вилоят бўйича “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамларига 8 млрд. 980,6 млн. сўм маблағ йиғилди. Жумладан, суд ҳужжатлари ижроси бўйича 5 млрд. 476,3 млн. сўм, Маҳаллий бюджет даромадининг режасидан ортиқ бажарилишидан тушган маблағлар миқдори 2 804,3 млн. сўм, юридик ва жисмоний шахслар томонидан келиб тушган ҳомийлик маблағларидан 700 млн. сўмни ташкил этади.

Ўтган беш ой давомида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарори асосида қарийб 16 минг 195 оиласга 9 млрд. 99,6 млн. сўм маблағ сарф этилди.

Жумладан, маҳаллаларда ташкил этилган “Темир дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га кирган фуқароларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Ўтган беш ой давомида “Темир дафтари”га киритилган 6075 нафар фуқароларни моддий қўллаб қувватлашга 3 млрд. 488,6 млн. сўм маблағ йўналтирилди, бундан “Темир дафтари”га кирган ишсиз фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиши учун 91,0 млн. сўм, соғлигини тиклаш учун 1 млрд. 236,2 млн. сўм ва бошқа тартибдаги ёрдамлар учун 2 млрд. 161,4 млн. сўмлик маблағлар йўналтирилди.

“Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашда ҳам муҳим молиявий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур дафтарга кирган 589 нафардан кўпроқ хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун 243,1 млн. сўм маблағ йўналтирилган.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласарга, кўп фарзандли оиласарга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қариялар каби эҳтиёжманд оиласарнинг 9 531 нафарига 5 млрд. 367,9 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

2022 йил 1 апрель ҳолатига “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамларида вилоят бўйича 2 млрд. 134,4 млн. сўм пул маблағлари мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-73-сон Қарори 8-иловаси 20-бандига мувофиқ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви томонидан республика миқёсида “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларини йўналтирилиши юзасидан ҳисботи O’zbekiston 24 канали орқали 2022 йил 20 апрелдаги бриффинги давомида ўқиб эшиттирилди, шунингдек, республика бошқаруви расмий веб-сайти(<https://obfm.uz/uz>)га 23 апрел ва 26 майда жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисбот жойлаштирилди. “Саховат ва кўмак” жамғармасидан кам таъминланган оиласарга маблағ ажратиш фақатгина халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қарори билан амалга ошириб келинмоқда.

2022-05-27 20:12:00